

## ПРЕЗИДЕНТ ОҚСОҚОЛГА МАКТУБ ЙЎЛЛАДИ

Яқинда республика газеталаридан бирида Урганч шахридаги энг кеска оқсоқол Болта бобо Давлатовнинг мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов номига очик хати эълон қилинган эди. Бу хатда ва мамлакатимиз раҳбарига бағишлаб муваффақият услубида ёзилган шеърда 95 баҳорни қаршилаган, ҳаётида кўп нарсани кўрган оқсоқол жонажон Ўзбекистоннинг мустақиллигини, давлатимиз ўзининг буюк келажagini кураётгани ҳамда ва бу йўлда жаҳон ҳамжамиятида обрў-эътибор қозонганини кўриш насиб этгани учун Оллоҳга шукрона айтади. Мамлакат мустақиллигининг етти йиллиги арафасида Болта бобо Президентга муҳожат қилиб, халқимизга диний эътиқод учун йўл очиб берилгани, маънавий ва миллий қадриятлар қайта тиклангани, оддий кишиларнинг фаровонлигини ошириш йўлидаги шахсий ташаббускорлиги учун кеска авлод вакиллари номидан миннатдорлик билдиради.

Яқинда Болта бобонинг уйи меҳмонга тўлди. Вилоят ҳокимлиги ходимлари, шoirлар, дўстлари ва кўшнилари оқсоқолни зиёрат қилгани келишиди. Унга Президент Ислам Каримовнинг шахсий табрикомаси ва совғалари топширилди. Болта бобо Давлатов мамлакатимиз раҳбарининг эътибори ва ғамхўрлигига миннатдорлик белгиси сифатида унга мумтоз шoir Оғаҳий газалларининг ўзи авайлаб-асраб келган ноёб кўлэмасини ҳадя қилди.

Т.ШАМАКОВ,  
ЎЗА мухбири.

## Мустақиллик иншоотлари



## «ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ»НИНГ НУФУЗИ ТОБОРА ҲУКСАЛМОҚДА

14-20 сентябр кунлари Тошкентда «Эй-Ти-Пи - Тур» сериясига кирувчи «Президент кубоги» халқаро турнири бўлиб ўтади. Шу муносабат билан турнир ташкилотчиларидан бири, швейцариялик ишбилармон Сассон Какушири ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

Шу вақтгача Ўзбекистонда «Президент кубоги» турнири тўрт мартаба ўтказилган. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар сафар мусобақани ташкил этиш, ўтказиш, меҳмонларга хизмат кўрсатиш даражаси жуда юқори бўлди. Бу мамлакатингизда теннис, нисбатан янги спорт тури бўлишига қарамай, тез суръатлар билан ривож топаётганидан далолат, деб ўйлайман. «Президент кубоги» турнирида қатнашиш истагини билдираётганлар сафига йилдан-йилга дунёнинг энг кучли теннисчилари тобора кўпроқ қўшилиётгани эса мусобақанинг нуфузини ортаётгани ва унинг бутун жаҳондаги теннис иштирокига эътиборига тўшаётганидан дарак беради.

Бу йилги «Президент кубоги» турнири ўтган йилдагилардан бирмунча фарқ қилади. Биринчидан, у бешинчи мартаба ўтказилаётгани билан ҳам ўз

нинг «Кремль кубоги» турнирида қатнашган теннисчилар таркибидан анча кучли эканини кўриш мумкин. Шунингдек, эътибор берсангиз, бу йилги турнирнинг муддати бир неча кунга орқага сурилганини кўрасиз. Яъни илгари у сентябр ойининг бошларида ўтказилган бўлса, бу йил сентябрнинг ўртасида бўлиб ўтади. Турнирнинг ўтказилиш муддати «Эй-Ти-Пи - Тур» тақвими асосида белгиланган.

«Эй-Ти-Пи - Тур» раҳбарияти шу сериядаги мусобақаларда жаҳондаги етакчи теннисчиларнинг қатнашиш имкониятини кенгайтириш учун шундай йўл тутди. «Президент кубоги» муддати белгиланган ҳам шу нарсани назарда тутилган. Бу «Эй-Ти-Пи - Тур» серияси мусобақаларида «Президент кубоги»нинг ўзига хос ўрни борлигидан дарак беради.

Яна бир диққатга сазовор томони шуки, Борис Беккер турнирга ўзи устозлик қилаётган ёш теннисчиларнинг «Мерседес» командасини ҳам олиб келади. Уларнинг, яъни бўлажак теннис юлдузларининг ушбу мусобақада кўргазмалари чиқишлар билан иштирок этиши мўлжалланмоқда.

кин бўлади.

Яна бир бор айтиш жоизки, жаҳон миқёсида «Президент кубоги» турнирининг обрўси тобора ошиб бормоқда. Унга жуда кўплаб мамлакатлардаги теннис иштирокида қизиқиш билдираётди. Шу боис турнир уйинлари «И-Эс-Пи-Эн» компанияси, «Евроспорт», Россиянинг «НТВ» телеканаллари орқали дунёнинг бир қанча мамлакатларида намойиш қилинади. Шунингдек, радио орқали эшиттиришлар узатиш ҳам йўлга қўйилади. Натижада бутун Америка қитъаси, Австралия, Осиё, Европа ва Жанубий Африка минтақаси мамлакатларидаги теннис мухлислари бу мусобақанинг бориши билан бевосита танишиш боради.

Ушбу эшиттиришлар аудиторияси бир миллиард кишини ташкил этади.

Сўзим охирида турнирни ўтказишга тайёргарлик жуда яхши бораётганини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Мен «Юнусобод» теннис мажмуини бориб кўрдим. У аъло даражада. Бу ердаги кортларда ўйин кўрсатиш мусобақада иштирок этадиган барча «теннис юлдузлари»га маълум келишига шубҳа қилмасам ҳам бўлади.

Анвар КАРИМОВ (ЎЗА)  
сўхбатлашди.

## Истиқлол мушоираси

### Сафар БАРНОЕВ. САДОҚАТ ДАРСИ

Садоқат дарсини  
Олам келиб  
Бизлардан ўргансин.  
Боболар қолдириб кетган  
Зиё, излардан ўргансин.  
Амиримиз, ўзига бекмиз  
Биз деган  
Сўзлардан ўргансин.  
Бугун нурга тўйинган  
Хур ўғил, қизлардан ўргансин.  
Азал шундай эдик бизлар,  
Азал шундай бўлиб келдик.  
Бу тупроқни авайлаб ўтдилар  
Не турфа инсонлар.  
Беринг сўз, сўзласинлар  
Улмаган минг битта дostonлар.  
Ватан деб жонини тиккан  
Бу ерда неча посбонлар.  
Бу юртдан нур эмиб  
Дунёга боққан  
Ўзига осмонлар.  
Азал шундай эдик бизлар  
Мудом шундай тўлиб келдик.  
Тўлиб келдик, тўлиб келдик,  
Ғаюрлар тоидириб кетди,  
Эшак-харлар ишин қилган  
Уюрлар тоидириб кетди.  
Бизни биздек атар бўлсак  
Буюрлар тоидириб кетди.  
Дедик биз тоидириб кетди  
Тамоман шоидириб кетди.  
Азал шундай эдик бизлар  
Бўлдик,  
Сўнг, сўлиб келдик,  
Томилар сўлмагани,  
Сўлмадик,  
Рўйбега чиқдик биз.  
Тилу дилга солинган  
Заналар  
Декорни йиқдик биз.  
Бу ҳуриқ гулшанига  
Биттадан  
Илдизни эдик биз.  
Азал шундай эдик бизлар  
Бу кунга биз қулиб келдик  
Буюк давлат қурагача  
Барчамиз  
Биз азму кор эдик.  
Тилу дилдан гўбор кетди,  
Баҳор эдик,  
Баҳор эдик,  
Аслар битмаган ишни  
Қаранг,  
Борлиқда бор эдик.  
Бизни қимқи писанд этмас,  
Бизам  
Ундан-да ор эдик.  
Азал шундай эдик бизлар,  
Азал гулга қулиб келдик.  
Бу гулзор гуллагай энди.  
Қўриб,  
Дунё ҳавас қилгай,  
Тугилгай марду майдонлар,  
Улғ зотлар  
Нафас қилгай,  
Ғаюрлар тош отар бўлса,  
Анга  
Тошдан қафас қилгай,  
Садоқатга садоқат деб  
Абад  
Сарбона сас қилгай,  
Азал шундай эдик бизлар,  
Азал шундай униб келдик.

## ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

### КОСМИК КЕМА УЧИРИЛДИ

Бойкўнғир космодромидан Россияга қарашли яна бир космик кема учирилди. У фазодаги «Мир» орбитал станциясига янги технологоялар ва озик-овқат маҳсулотлари олиб чиқади.

### АФГОНИСТОНДА ПАРТИЗАНЛАР УРУШИ БОШЛАНДИ

Афғонистон Президентининг Бурхониддин Раббоний толибларга қарши партизандар урушини бошлаш ҳақида эълон қилди. Толиблар Афғонистон Шимолида яна бир қанча вилоятларни қўлга киритган. Шимолий Иттифок кўшнилари чекинишга мажбур бўлмоқда.

### ХИТОЙ РАҲБАРИ ХАВОТИРГА ТУШИБ ҚОЛДИ

Хитой Халқ Республикаси раҳбари Цзянь Цзямин мамлакат марказидаги Хубэй провинциясига келди. Бу ерда Хитойдаги сув тошқинларининг энг кучлилари содир бўлмоқда. Хитой раҳбари Хубэйнинг сув тошқинидан азият чекаган аҳолиси билан учрашди. Табиий офат оқибатларини бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар билан танишди.

### СОБИҚ БОШ ВАЗИРНИНГ АЙБЛОВИ

Россиянинг собиқ Бош вазир Виктор Черномырдин мамлакатда молиявий иқтисоднинг юзага келишида ҳозирги ҳукумат айбдор деб баёнот берди. Черномырдин ҳозирги қийин аҳволда Россия ҳукумати вазиятдан чиқиш йўллариини эътибор билан топиши керак, деб таъкидлади. Бироқ, собиқ Бош вазирнинг қайд этишича, ҳукумат молиявий оғир аҳволдан чиқишга керагича уринаётгани йўқ.

### АБХАЗИЯНИНГ ОЛТИ ЙИЛЛИК МОЖАРОСИ

Абхазияда қуролли тўқнашулар бошланганига 6 йил тўлди. 1992 йилда грузин ва абхаз миллатига мансуб аҳоли ўртасида низо келиб чиққан эди. Грузиянинг собиқ раҳбарияти абхазларга қарши қуролли қўшин йўллаган ва бунинг оқибатида олти йилдан бери Абхазияда уруш кетмоқда.

### ИРОҚ-БМТ МОЖАРОСИДАВОМ ЭТМОҚДА

БМТ Бош қотибининг Ироқ бўйича махсус ёрдамчиси Прака Шоҳ Бағдогда келди. У Ироқ раҳбариятига Кофи Аннанининг махсус мактубини топширди. Бош қотиб вакили Ироқ билан БМТ ўртасида қўзғилиб кетган можарони тугатиш бора-бора Бағдод раҳбарлари билан музокара олиб боради.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида

Хурматли муштарийлар!  
Йилнинг қолган қисми учун «Ишонч»га обунга бўлишни унутманг!

## ХУРШИД ДАВРОН, шoir.

## Изҳори дил

## КЕЛАЖАГИМИЗ ЁРУҒ ВА ФАРОВОН БЎЛАДИ

Хуршид ака! Аввало барчамиз учун муқаддас ҳисобланган мустақиллик ҳақида фикрларингиз.

Буюк ва ўзига хос заволи тарихимиз ҳақида, тарихимизнинг халқдан яшириб келинган саҳифалари тўғрисида, тарихда катта ўрин тутган миллий қаҳрамонларимиз ҳақида ёзиш ҳам бизнинг ўз эркимизга эгалик қилишга бўлган интилишимиз эди.

Ўзбек халқининг тарихда тутган ўрни, буюк фарзандлари қолдирган илмий, ижодий мерос бу халқнинг буюк ишларга қодирлигини кўрсатади. Шундай катта халқ бировларнинг изидан юриши керак эмас. Ўзбек халқидай буюк халқ ўз тақдирини ўзи яратиши лозим ва у бу ишларга қодирдир. Шунинг учун ҳам мустақиллик бизга берилган энг катта имкониятдир. Халқимизнинг ўзининг азалий йўлига чиқиб олгани бу.

Ўзбекистоннинг яратувчиси, ижодкор халқ эканлигини собиқ шўро тўзуми ҳам яхши биларди. Шунинг учун ҳам бу тўзум халқнинг ижодий тафаккурини бўғишга ҳаракат қилди. Бизларни яратишга, ижод қилишга қодир эмас, мактаб дарсликларидан ҳам миямизга қўйиб келишди. Ўзбекларнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди деб қоралаб келинди. Бу ишларнинг барчаси халқимизнинг асли қонида мужассам топган яратувчилик ва ижодкорлик хусусиятини йўқотиш учун қилинган чиркин бир сибас эди.

Соҳибқирон бобомиз Амир Темур, Ҳазрат Баҳоуддин Навоий, Ҳазрат Имом Бухорий, Улуғбек, Фарғоний, Бехбудий, Чўлпон, Фитрат каби қатор олиму фузалоларининг, алломаларининг ҳатто мактаб дарсликларидан ҳам тилга олинмас, тилга олинса ҳам улар «халққа қарши» дея аталарди. Бугунга келиб бошқа соҳалар каби таълим ва тарбия уюғининг бош ўзаги бўлиши мактабларимизда ҳам фарзандларимиз ўзларининг буюк аждодлари тарихини, уларнинг ҳаёти ва ижодларини қизиқиб ўрганмоқдалар.

Мустақилликнинг қадри ҳам мана шунда билинади. Мустақилликка қадар эса халқимизнинг аҳоли бурюрилган вазифаларининг бажарувининг аҳоли қандай бўлса, шундай эди. Бугун аҳоли бутунлай ўзгарди. Биргина мисол, Андижондаги автомобиль заводи фаолияти ўзбек халқи фарзандларининг замонавий технологияларни ишлашига қодир эканлигини кўрсатди.

Кунинг кеча Президентимиз грантлари билан чет элларга ўқишга кетаётган фарзандларимиз бизларнинг улғубеклар, фарғонийлар авлодлари эканлигини исботлаб турибдилар. Мустақиллик, энг аввало, онгли ва тафаккури юксак инсон, унинг фикри ва амалий эркинлиги билан боғлиқдир.

Шунингдек, мустақиллик тўғрисида биз ўзининг ўйлашимиз билан фахрланиш тўғрисида эга бўлиш.

Истиқлол олдинга қараб юрмоқча, аждодларимиз яратиб кетган меросларга тенг келадиган янги-янги фидойийликлар билан, ихтиролар топишга ҳиялат қилишдан имконият ҳамдир. Биз мустақиллик деганда Ўзбекистон яъни давлат мустақиллиги билан биргаликда фикр мустақиллигини, ташаббус мустақиллигини ва ижод мустақиллигини тушунишимиз даркор. Мустақиллик ҳар бир инсондан фикрий ижодкорликни, миллий тараққиёт сари олға боришни, бунёдкорликни ва ҳалолликни талаб қилади.

Юртимизда бўлаётган ўзгаришлардан кўнглингиз тўлаятими?

— Бу саволга берадиган жавобим ҳам юқоридagi фикрларимнинг давоми бўлади. Токи биз, таъкидлаб ўтганимдек, ҳар бир шахсининг эркин, онгли фикри ва ташаббусига эришмас эканми, барча соҳаларда катта ўзгаришлар бўлиши қийин. Мана, янги-янги заводалар, энг замонавий технология билан жиозланган корхоналар қуриляпти. Юртимизда содир бўлаётган ўзгаришларни Тошкентнинг мисолида кўриш мумкин. Бағри кенг Тошкент кун сайин чирой очиб, жамолга жамол, қўрқига қўрқ қўшилиб бормоқда. Фақат пойтатимизгина эмас, умуман дёйримизнинг барча шахарлари, вилоят ва туманла-

ри кўркамлашиб бормоқда. Мана бир мисол. Қисқа вақт ичида Хоразм, Қорақалпоғистон, Бухоро, Самарқандда бўлдим. Ҳамма жойда ўзгаришларни, янги-янги қурилишларни кўрдим. Юртимизнинг зоҳирий кўриниши жуда тез ўзгариб бормоқда. Шу билан бир қаторда Президентимиз қайта қайта тақорлаб айтганларидек, фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг онгиндаги ўзгаришлар ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Энг муҳими мана шу - янги авлод тафаккурдаги мустақилликка, Ватанга бўлган эътиқоднинг кучайиб бораётгани. Барча ўзгаришлардан мен учун энг муҳими шу. Бундай ўзгаришларни мен фарзандларимиз болажонларда, уларнинг бийрон тиллари билан Ўзбекистонни мадҳ қилиб беш ва кўнжлар куйлашларида кўрмоқдаман.

— Мустақил Ўзбекистон истиқбол учун яна нималар қилишимиз зарур?

— Энг аввало ҳар бир киши қаерда ишламасин, ҳалол ҳизмат қилиши керак. Фидойийлик тушуниши ҳам меннинг назаримда энг аввало мана шу ҳалоллик деган заминда шаклланади. Масалан биз бозор деганда кўнжча олдинги тушунарлар асосидаги тасаввурга эгамиз. Ҳозир шаклланаётган бозор иқтисодиётида ҳалоллик замин бўлиб хизмат қилиши керак. Ҳалол хизмат деганда эса мен ҳар бир инсоннинг ўз Ватани билан ўзини бир бутун деб билиши, унинг яхши-ёмон кунларига шерик бўлишини тушунаман. Мен чин юракдан Ўзбекистон фуқаролари бир-бирларини жондош-қондош биродарлар эканини англаши, бир-бирини қадрлашини орау қиламан.

Ҳадисларнинг бирида айтилгандек «Аёллар эркаларнинг сингилларидир.» Шу маънода мен Ўзбекистонликлар бир-бирларига дўст ва биродарлар деб айтган бўлардим.

— Мана шу ҳис-туйғу жамиятимизда барқарор бўлишини истайман.



ган буюк ота-боболаримиз ҳақида ёзиш имкониятига эришимди. Жумладан, буюк авлиёлар ҳақида мақолалар, Шайх Нажмиддин Кубро ҳақида, Малика Бибиноним ҳақида тарихий қиссалар эдим. Ҳозир ҳам Темурийлар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асар устида ишламоқдаман.

Сирасини айтганда, мен мустақиллик тўғрисида эркин фикрлаш, тарихимиз, буюк шахслар, тарихий қаҳрамонлар ҳақида очик-ойдин ҳақиқатни ёзиш, дилимдаги галпни қўрқмай айтиш, дунёга чиқиш имкониятига эга бўлдим.

— Сиз Ватан келажagini қандай тасаввур қиласиз?

— Ватан келажagini қандай бўлиши ҳар биримизнинг бугунги қилаётган ишмизга боғлиқ. Ҳозир ҳаммамиз келажакнинг улкан бир биносини тикляймиз. Агар қаердадир бир мўртроқ гиштини ишлатсак ҳам бу бино бутун бўлмайди.

Биз, бугунги яшаётган авлод келгуси насллар, демак фарзанду набирларимиз учун уй кураётганимизни англашимиз лозим. Бу нарса доимо ёдимизда бўлиши зарур.

Тарихни яхши билганим учун ҳам, яъни халқимизнинг нималарга қодир эканлигини билганлигим сабабли келажакимиз ёруғ ва фаровон бўлишига ишонаман.

«Ишонч» мухбири  
Мухаббат УРМОНБЕКОВА  
сўхбатлашди.

## 16 АВГУСТ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАВО ФЛОТИ КУНИ

## ҚАНОТЛАР ПАРВОЗДА ТОБЛАНАДИ

Ҳар йили август ойининг учинчи яқшанбасида мамлакатимиз само лочинлари узларининг касб байрамларини нишонлашади. Ушбу сана арафасида биз «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори Арслон Ғойпович Рузметов билан учрашиб, муштарийларимизни қизиқтирган саволларга жавоб олдик.

— Аввало, мамлакатимиз авиаходимлари ҳаётида ўтган суғити

йил нималар билан етда қолади, деган саволга жавоб берсангиз.

— Ўзбекистонимиз мустақиллигини қўлга киритгангач, ҳар бир йил асрларга тенг келадиган тарихий воқеаларни ўзига жамлаштириш десам бўлади. Ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг, давлатимиз раҳбариятининг қўллаб-қувватлаши натижа-сида Ўзбекистон жаҳон авиация бозорига ўзига муносиват уринганга бўлишига эришди. Суғити бир йил мобайнидаги воқеалар ҳам бунга далолидир.

1997 йилнинг ёзида самолёт паркимиза Ғарбий Европада ишлаб чиқарилган ва минтақавий йўналишларда парвозларни бажаришга мўлжалланган замонавий RJ-85 кемаси билан бойиди. Бугунги кунда ута қўлай бу

самолёт Шарқ дурдоналари Самарқанд, Бухоро ва Хоразмга, шунингдек, Фарғона ва қўшни давлатлар Қозоғистон, Туркменистон ва Озарбайжонга парвозларни амалга ошириб, авиакомпаниямиз обрўсини оширмоқда.

1997 йилнинг кузида Тошкентдан парвозларни А-310 кемаларини Москвага «Шереметьево» халқаро аэропортига бақара бошлагани ҳам Ўзбекистоннинг авиация ҳамжамиятида нуфузи ортаётганидан яна бир далолат бўлди. Ундан бир оз кейинроқ Санкт-Петербургда қатновларни Боинг-767 самолётида бақара бошладик. Бунақаси ҳам МДҲ давлатлари орасида ҳали бўлмаган эди.

(Давоми 2-бетда).



Суратда: А-310 «Бухоро» Франция заминиди.

# ҚАНОТЛАР ПАРВОЗДА ТОВАЛНАДИ

(Боши 1-бетда).

1997 йил якунида эса «Ўзбекистон ҳаво йуллари» миллий авиакомпаниямига Авиация хавфсизлиги халқаро жамғармасининг махсус дипломи топширилди. Бу юксак мукофот собиқ иттифок ҳудудида фаолият кўрсатаётган бир неча юз авиакомпания орасида сўнгги беш йилдан ортқ вақт мобайнида бирорта ҳам йўловчининг саломатлигига зиён етказмаган бор-йўғи икки жамога, бизга ва «Трансаэро» авиакомпаниясига берилди.

1998 йилнинг биринчи ярим йиллигида ҳам эсда қоладиغان кўплаб воқеалар бўлиб ўтди. Жумладан, Франциянинг Тулуза шаҳридан янги А-310 самолётини «Эрбас Индустри» консорциуми заводидан қабул қилиб олдик ва кемага яхши ният билан «Бухоро» дея ном бердик.

28 июндан эътиборан Ўзбекистон ва Бангладеш пойтахтлари ўртасида бевосита ҳаво кўприги ўрнатилган бўлса, оранда икки кун ўтган, учувчиларимиз дунёнинг энг гузал пойтахтларидан бири Париждаги Шарль де Голль аэропортига илк қатновни бажаришди. Оранда яна бир неча кун ўтган эса А-310 Россиянинг янги марказларидан бири Новосибирскка парвоз қила бошлади.

Айнан сўнгги йил мобайнида «Урганч», «Бухоро» ва «Самарқанд» аэропортлари учини-кўнни йўлқалари энг

сўнгги талабларга жавоб берадиган ҳолатга келтирилди. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш борасида бир қатор кулайликлар яратилди. Утган ойдан мана шу шаҳарлардан Россия пойтахтига парвозлар А-310 замонавий лайнерида бажарила бошланди. Энди транзит йўловчилар Москвадан Шарқ дурдоналари ҳисобланмиш ушбу бетақорр шаҳарларимизга бевосита парвоз қилиб вақт ва маблағ тежашлари учун шароит яратилди.

Авиакомпаниямиз таркибидagi Авиатаъмирлаш заводида қишлоқ ҳўжалигида муҳим аҳамиятга эга Ан-2 самолётларини таъмирлаш ўзлаштирилди. Ҳозир бу корхонада гарбда ишлаб чиқарилган замонавий кемаларга техник хизмат кўрсатиш йўлга қўйилляпти.

Ва ниҳоят, сўнгги янгилик — авиамуҳандисларимиз Европа сифат сертификатини олишга муваффақ бўлишди. Эндиликда гарбда ишлаб чиқарилган А-310, Боинг-767 самолётларига ўзининг мухтаassisларимиз ўзимизда техник хизмат кўрсатиш ҳўкукига эгалар. МДХ давлатлари орасида бундай кенг миқёсдаги ишларни бажариш учун руҳсатга ҳеч ким, хатто машҳур «Аэрофлот-РМАЛ» ҳам ҳозирча эга эмас.

— 1998 йил — Оила йили деб эътироф этилган. Бу борда миллий авиакомпанияда қандай ишлар амалга оширилмоқда?



— Президентимиз оилаларга бераётган қатта эътибор ҳар қандай таҳсинга лойиқ. Зеро, ўзбекистон оиласи тинч ва фаровон бўлса, ишида унум ва сифат бўлади. Биз ҳам авиаҳодимлар касба уюшмаси марказий кўмитаси билан ҳамкорликда ишлаб чиққан дастурга биноан кўплаб тадбирларни турмушга татбиқ қилиб келаямиз.

Шахсий таркибининг касбий касаллик ва ногиронлигининг олдини олиш бўйича минтақавий дастур ишлаб чиқилиб, улар бўйича 12,3 миллион сўм миқдориди нафақалар берилди. 24 минг авиаҳодим ва оила аъзолари, шу жумладан 1839 нафар фарзандлари ҳам диспансер кўригидан ўтишди. Авиаҳодимларнинг 450 фарзанди эгаи соғломлаштириш лагерларида имтиёзли йўланмалар бўйича дам олди. Авиакомпания Орол

атрофидаги экологик ҳалоқат ҳудудидаги юзга яқин болани дам олиш ва бошқа минтақаларга олиб чиқиш учун зарур транспорт харажатларини қоплади. Оммавий спорт ва жисмоний тарбия соғломлаштириш тадбирлари ўтказилиб, уларга 2 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Пенсионерларга кўмак ва моддий ёрдам кўрсатилмоқда. 2000 пенсионер умумий нархи 2,3 миллион сўмлик асосий озқоқват маҳсулотлари билан таъминланди.

23-болалар уйига инсонпарварлик ёрдами кўрсатилиб, бино таъмирдан чиқарилди, тарбияланувчиларга кўплаб совғалар берилди.

Жорий йилнинг бошидан буён авиаҳодимлар учун 2,5 миллион сўмлик 110 та санаторий йўланмаси, дам олиш

уларига 14,5 миллион сўмлик 404 та йўланмалар ажратилди. Оилавий йўланмалар бўйича 1272 киши дам олди.

— «Ўзбекистон ҳаво йуллари» миллий авиакомпанияси ҳақида гап кетганда ҳамкасбларига ўрнатилган тилга олмайдиган йўқ. Шундайлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Биласизми, авиация учта китнинг елкасида туради дейиш мумкин. Булар — учувчилар ва борт кузатувчилар, муҳандис-механиклар, яъни ердаги кўплаб хизматлар вакиллари, ҳамда ҳаводаги харақатни бошқарувчилар. Мана шу соҳаларнинг барчасида авиакомпаниямизда ўз касбининг усталари, юртининг фидойилари меҳнат қилишади. «Боинг», «Эрбас» ва А-310-85лар отряди сардори Азиз Қодиров, ушбу кемага ҳизмат кўрсатувчи цех бошлиғи Геннадий Харлап, ўқув-машқ марказимиз раҳбари Ҳақимжон Туробов, Эркин Гуломов, Петр Амбраже, Александр Шрамков, Сергей Салимов, Маҳмуд Аҳмедов, Бахтиёр Ҳақимов каби ўнлаб, юзлаб мутахассислар Ўзбекистон номини жаҳон авиация ҳамжамияти муносиви билан тилга олишга ҳурнособи ҳисса қўшиб келишмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимизни, шунингдек, Тошкент давлат авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасини, харбий ҳаво кучларидаги дўстларимизни, Тошкент давлат авиация институтини профессор-ўқитувчилар ва талабаларини Ўзбекистон Республикаси Ҳаво флоти куни билан самимий муборакбод этмоқчиман.

# ЕВРОПАНИНГ ШАРҚИЙ МАРЖОНЛАРИ

Июнь ойининг урталарида Франциянинг Тулуза шаҳридан юртимизга келтирилган янги «Эрбас» А-310 «Бухоро» самолёти тез орада яна фаранг юртига парвоз қилди. Мамлакатлар пойтахтлари ўртасида ҳаво кўприги ўрнатилди. Ўзбекистон учувчилари «Бонжур, Париж!» дея янги йўналишни ўзлаштира бошлашди. Эндиликда юртдошларимиз ва умуман Марказий Осиёнинг турли ҳудудларидан йўловчилар бетақорр ва беқийс гузал шаҳар Парижга бевосита парвоз қилиш имконига эга бўлишди.

Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси Жан Клод Ришар жаноблари Ўзбекистон билан, унинг тарихий обидалари билан та-

нишиш иштиёқида юрган французлар куллигини таъкидлаб, энди уларнинг эзгу умидлари урбга чиқиши аниқ эканини таъкидлади. Бу борда миллий авиакомпаниянинг сазй харақатларига юксак баҳо берди.

Истиқлол туйғайли ривожланишининг узига хос йўлидан бораётган серқуёв Ўзбекистонимизнинг қадимий дурдоналари, меъморлик санъати намуналари билан яқиндан танишиш истагида юрганлар нафақат Францияда, балки дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатларида ҳам топилиши шубҳасиз. Ана уша сайёҳлар оқимининг янада кўпайиши учун амалга оширилган яна бир муҳим тадбир ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш даркор.

Мана, бир неча ҳафтадан буён Шарқ ҳақида сўз кетганда албатта ҳурмат ва қизиқиш билан тилга олинувчи Самарқанд, Бухоро ва Хивага Европадан ташириф буюраётган сайёҳлар массосини қисқартриш имконига эга бўлишди. Зеро, кўҳна шаҳарларни Москванинг «Шереметьево» халқаро аэропорти билан бевосита болговчи кулай қатновлар йўлга қўйилди. Йўловчилар замонавий А-310 самолётида парвоз қилиб, уч соат ичида манзилга етиб олишмоқда.

Бунинг учун, аввало, аэропортларда қатта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Учип-қўниш йўлқалари ва улардаги ёритиш тизими янгиланди, йўловчиларга хизмат кўрсатувчи заллар қайта қурилди ва улардаги асбоб-ускуналар замонавийларига алмаштирилди, бошқа кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди. Хуллас, бугунги кунда ушбу ҳаво бандаргоҳларида ривожланган мамлакатлар аэропортларидагидан қолишмайдиган шарт-шароитлар яратилмоқда.

Аэропортлар том маънода халқаро мақомга эга бўлишди. Бу эса «Ўзбекистон ҳаво йуллари» миллий авиакомпанияси жамоаси ватанимиз мустақиллигининг етти йиллиги ва мамлакатимиз фуқаро авиацияси ходимларининг касб байрамларига муносиви совғалар билан келатганидан далолатдир.

Мирзақасим Тўхтамирзаев.



«ИШОНЧ»ни осмону фалақда ҳам ўқишади.

# «Авиатор»да болалар хурсанд

асосида ташкил этилган театрлаштирилган томоша бўлиб ўтди.

— Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва Авиаҳодимлар касаба уюшмаси МК метод тасвирларига мувофиқ маънавий-маърифий тарбияга ҳам алоҳида эътибор бериляпти, — дейди «Авиатор» директори Лидия Парфёнова. — Бирок муаммоларимиз ҳам бор. Масалан, муталаа қилиш учун адабиётлар етишмайди, айниқса давлат тилдагиси. Бу эса тарбиявий тадбирлар сифатида таъсир кўрсатади.

— Ез даврида ўқитувчилар

ўқувчиларга келгуси синф ўқув дастуридаги бир қатор бадий асарларни ўқиш учун топшириқ беришади, — дейди АТМ бирлашган касаба кўмитаси раисини Людмила Полунина. — Нима учун бу китоблардан ҳеч бўлмаса бир нусхадан келтириш мумкин эмас? Болалар фойдали ва ёқимли машғулотларни бирлаштиришган бўларди.

Иккинчи смена учун масъулият АТМ зиммасида. Людмила Александровна ҳам иккинчи сменанинг очилишига куруқ келмади — касаба кўмитаси томонидан совға қилинган чарм туپлар

шу заҳоти ишга тушди. У АТМ лагерга бадий асарларни ҳам тақдим этишини ваъда қилди.

«Авиатор»да хордиқ чиқараётган болалар ва уларнинг ота-оналаридан ташқари кўпгина авиаҳодимларга ҳам бир неча ўн йиллардан буён яхши таниш бўлган Алмат ота Миралев ҳам ушбу маскан ходимларига ёрдам беришга тайёр. Лагерга кўп меҳнатлари сингган ота бугунги кунда ҳам тиним билмайди. Рафикалари Сайли опа билан болаларга ғамхўрлик қилишади. Уларнинг тажрибаларини лагерга ҳали кўп керак бўлади деб ўйлаймиз.

Ирина ДИДОВА, «Тошкент» аэропорти бирлашган касаба кўмитаси раисининг ўринбосари.

**Тошкентнинг Шайхонтоҳур туманида «АЗИЯ - ЧЕМ» кўшма корхонаси маҳсулотлари харидорлиги билан эл озгига тушган. Бу ерда 28 турда ошхона идишлари ишлаб чиқарилмоқда.**

Суратда: корхона ишчиси маҳсулотлар билан.

Рашид Галиев олган сурат.

# ЮНИСЕФ-ЭКОСАН ШОҲИМАРДОНГА

«ЭКОСАН» Халқаро жамғармасининг халқаро ташкилотлар билан алоқаи йилдан йилга кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Жамғарманнинг БМТнинг ЮНИСЕФ Болалар жамғармаси билан ҳамкорлиги бунинг яққол мисолидир.

Жамғарманнинг Оролбўйида яшовчи аёллар ва болаларга ижтимоий ва экологик хизматдан ёрдам беришга қаратилган ЮНИСЕФ-ЭКОСАН «АСПЕРА» халқаро лойиҳаси бўйича ҳамкорлик ҳақидаги аниқ тақдирлар бўйича 1995 йил 31 июлда 306-сонли ҳуқумат Қарори эълон қилинди. Мазкур лойиҳа 3,12 млн АКШ долларини ташкил қилади ва ушбу лойиҳа бўйича 95-йилдан бери иш олиб борилмоқда. Утган давр мобайнида лойиҳа доирасида юртимиздаги 2 Ёшгача бўлган болаларни оммавий эмлаш ўтказилди, бир қанча шифохоналарга қатта миқдорда дори-дармон, медицина хизматлари, санитар-гигиеник ашёлар, мактаб ўқувчилари учун ўқув қўлланмалари ва бошқалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов, ЕХХЖнинг 1996 йил кузида Тошкентда ўтказилган мажлиси иштирокчиларига қарата айтилган табриқда, Халқаро жамғармаларнинг «АСПЕРА» лойиҳаси томонидан олиб борилаётган ишларга юқори баҳо берди.

ЮНИСЕФ-ЭКОСАН ҳамкорлиги экология ва саномавий кўнлари доирасида ҳам амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг июлида экология ва саномавий Кўнларини ўтказиш бўйича Республика ташкилий кўмитасининг «ЭКОСАН» Халқаро жамғармасида ўтказилган йилгиликда, ЮНИСЕФнинг Марказий Осиё ва Қозғистондаги вакили Экнер Бирердинч иштирок этиб сўзга чиқди. У сўзда, «ЭКОСАН» жамғармасининг илтимосига биноан табиий офат, сув тошқинидан жабр кўрган Шохимардон халқига, энг биринчи ўринда болаларга ЮНИСЕФ томонидан инсонпарварлик ёрдами кўрсатилиши ҳақида гапирди.

Яқинда Фаргона туманининг Воқил марказида «ЭКОСАН» жамғармаси иштирокида ЮНИСЕФ томонидан ажратилган, 10 тонна таркибий витамин ва протеинга бой бўлган болалар озқ-овқати, 20 тонна медицина хизматлари, 20 минг аҳолини 3 ой давомида дори-дармон, медицина асбоб-ускуналари билан таъминловчи табиий мосламалар, 2 минг болалар кўрсатиш бўшқалардан иборат, жами 200 минг АКШ долларини ташкил қилувчи инсонпарварлик ёрдами топширилди.



# МЕҲНАТ ҚАДРИ

Кўйсини ёшлигидан ҳеч иккинчи даражадан ҳўжалигида ишчи бўлиб иш бошлади. Пахта терди. Чопиқ қилди. Хар йили мўл-кўл «ок олтин» етиштириб эл хирмонига териб берди. Турмуш урғоғи Темир ака 25 йилдан бери ҳўқуқ — тарбият ходими.

Можор пахтакор Кўйсини Таллиева мустақиллигимизнинг еттинчи йиллида 10 гектар ерда пахта етиштиряпти. Ҳозир унинг далаида булган кишининг дили янрайди. Булик кўрсатқч уладидан улкан хирмондан дарак бериб турибди.

Бўйс Кўйсин билан дала айланганимида амин бўлдики, меҳнат қилган инсон ҳеч қачон ҳам бўлмас экан. Хар доми дотурхон ҳам туқин, ўзининг чохраси ҳам очик бўларкан.

— Бекорга донишмандлар умр оқар даре дейишмас экан. Мана ҳўқуқ очиб юзючунга элики шига ҳам кириб қўйибди. Олданинги ишонсини келтирди, дейди бахтиёр фарзандларини бағрига босиб Кўйсин опа.

Нурмамет АЛМУРОДОВ, «Ишонч» муҳбири.

# Халқимизда «Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барак шўтарилади» деган нақл бор. Бу мақол гўё Қарши шаҳридаги «Шодлик» жамоа корхонаси шайнига айтилгандек туюлади кишига. Негаки, «Шодлик»дагилар тарафқашликни авж олдириб, «мен сендан қамми?» қабилда иш тутмоқдалар. Айниқса кейинги 3-4 йилдан буён жамоа корхонаси директори Фотима Амиркулова бир томон, ишчилару хунармандлар иккинчи томон бўлишиб, бир-бирлари қайси тортишганлари тортишган. Лекин ҳанузгача қайси томон ҳақлигини ҳеч ким исботлаб бермаяпти. Аслида жамоа ўртасидаги бундай тарафқашликни ҳеч бир нарса билан оқлаб ҳам, поклаб ҳам бўлмайди, Бундай асаббузарликлар кимга керак? Ҳўш, ўзи нима гап, нега шундай бўлаяпти?

Гапнинг индаллоси шундай: «Шодлик» машиий хизмат корхонаси ишчилари 1992 йилнинг 21 октябрида бўлган умумий йилгиликда корхонани давлат тасарруфидан чиқариб, хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинади. Ана шу қарорга қўра вилоят давлат мулки бошқармаси 6 кишидан иборат кенгаш тузиб, корхонани нархлайди ва кенгаш қарорининг 3-бандига асосан биринчи марта мулк қийматининг 20 фолидан тўланади. Қолган қисми 1993-97 йилларда хар чоракда тўлаб бориш шарти билан корхона хусусийлаштириб берилади. Ҳатто бу тўрида вилоят давлат мулки бошқармаси, вилоят машиий хизмат уюшмаси ҳамда «Шодлик» корхонаси жамоаси ўртасида 1993 йил 11 мартда тўрт томонлама келишув шартномаси тузилади. Биринчи бадал — 536,6 сўм тўлангандан сўнг «Шодлик» корхонасининг меҳнат жамоасига мулкни ҳўқуқий тасдиқловчи 228-сонли давлат ОРДЕРИ ҳам ёзиб берилади. «Шодлик» жамоа корхонаси 1993 йил 2 августда II чорак учун 47-тўлов варақаси орқали 105713 сўм, 16 сентябрда эса III чорак учун 61-тўлов варақаси билан 105714 сўм маблағни вилоят давлат мулки бошқармасининг ҳисоб рақамига ўтказиб ҳам беради.

Корхонада дастлабки жанжалнинг келиб чиқишига 1994 йилда хар чоракда тўлаб бориладиган бадалларнинг қалқатириш юборилгани туртки бўлди. Ана шундан буён «Шодлик» жамоа корхонаси арининг уйсидек тўзиб қолган. Корхона ҳазиначиси У. Сиддиқова 1994 йилнинг 1-февралда қонунга хилоф равишда иш тутиб, 8-кирим ордери орқали 1691412,56 сўмини тўрт (1994-97) йиллик тўлов бадалларини бир йўла вилоят давлат мулки бошқармасининг бандаги ҳисоб рақамига ўтказди.

# Иш керакми, гап керакми?

# «ШОДЛИК»НИНГ ШАРТИ КЕТДИ

томонидан 76-касса кириш ордери билан 300 минг сўм тўланади, деб расмийлаштириб қўяди. Корхона жамоаси томонидан тўланган 2360930,95 сўм кассага умуман кириш ҳам, чиқим ҳам қилинмайди. Бу билан ишчилар ўзлари қўшган улўшларидан маҳрум бўлишади. Аслида Ф.Амиркулова билан С.Ҳамроевлар юқорида таъкидланган тўлов бадалларини ўша пайтда тўлашларига ҳеч қандай ҳожат бўлмаган. Директор билан цех бошлиғи томонидан тўланган тўлов бадалли жамоа аъзолари ўртасида тенг таъминланиши ҳамда бўлинган маблағ улўшларини хар бири қўлида 30 фойиздан ошмаслиги зарур эди. Бундан хавфсизраган директор тўлов бадаллари тўлангандан бир кун кейин, аниқроғи 2 февралда шоша-пиша кенгаш йилгилини қақириб, кун тартибига «Хусусийлаштириш учун қолган бадалларини тўлаш»ни асосий масала қилиб киритиб, номинга расмийлаштириб қўяди. Директорнинг бу «антиқа» қилигидан сўнг ўз улўшларидан айрилган корхона жамоаси ўртасида норозилик келиб чиқди.

«Шодлик» жамоа корхонаси вилоят «Бизнес-Фонд» бошқармасидан 1995 йил 4 апрелда тузилган 7/95-рақамли шартномага қўра 100 фойиз устамаси билан бир

йил мuddатга машиий хизмат турларини ривожлантириш мақсадида 300 минг сўм кредит маблағига қорхона учун 5 та «Зингер» тикув машинаси, ҳам ашё молларини сотиб олиш ва машиий хизмат цехларини замонавий тигда таъмирлаш режалаштирилган. Директор Ф.Амиркулова кредит маблағларининг бир қисmidан мақсадсиз фойдаланди. Кредитнинг устамаси фойизини ўз вақтида қайтарилмагани ва мuddати ўтиб тўланиши натижасида қорхона жамоаси қатта миқдорда зарар кўриб, ишлаб чиқариш сўсаиди, хунармандларни ҳам ашё билан таъминлашда, ишчиларга нафақа ва ойлик машоарни тарқатишда узилдишларга йўл қўйилди.

Директор Ф.Амиркулова иш ҳақи ва нафақа пулларини талаб қилган ишчилару қосиблар билан қўпол муомалада бўлиб, «сан-манга тўғрисидаги Қонун»нинг 3-ва 5-моддалари талабларига зиддир. Оқир оқибатда директорга М.Султонова «қосиблар ноҳақ ишдан бўшатилаганини» айтганида унинг қўлига «Сен ҳам шикоятчилар тарафига ўтдингми?» дея ишдан кетганлиги ҳақидаги буйруқни тутқазди. М.Султонова ишсизлар сафига шу тариқа қўшилди.

Ноҳақ ишдан бўшатилаган ва ўз ҳақ-ҳўқуқлари поймол этилгандан афсусланган ишчилар Қарши шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилишди. Шаҳар ҳокимлигида ваколатли комиссия тузилиб, хунармандларнинг шикояти обдон ўрганиб чиқилди. Жабр кўрган ишчилар бу борда «Шодлик» жамоа корхонасида бўлаётган ноҳақликлар ҳақида шаҳардаги маъмурият идораларга ҳам мурожаат қилишди. Бир вақтлар меҳнат кўрсатқчилари билан доврў

мади. Шундан кейин ишчилар шаҳар ички ишлар бўлимига мурожаат қилишди. Ички ишлар бўлиmidан келган милиция капитани А.Товлеҳ ҳам 2-3 кун оворани бўлиб Ф.Амиркуловани иш жойидан тополмаган, далолатнома ёзиб қайтиб кетди. Янги директор Х.Ражабов қорхона учун бошқа муҳр ва тамга ясашиб олишга мажбур бўлди. Бундан хабар топган Ф.Амиркулова аюханнос солиб, Х.Ражабовга ишлашга йўл бермади. Янги директор билан ишлашга ҳоҳлаган кишиларни уришиб, сўқиб, уларнинг иззат-нафисига тегади. Газаб отига миниб олган Ф.Амиркулова қосиблар олдида: «Корхона меники, ижарга ўтиб ишлайсанлар. Агар ҳўқуқ-масаларинг, ҳаммаи бу ердан йўқол!» дея қатий талаб қўйди. Усталарнинг ижозларга кўрсатган хизматлари ёзиб берилган қвтаняциялар қорхона кириш дафтарида қайд қилиб борилмади. Усталарни ҳам ашё билан таъминламай, цехдаги электр энергиясини тез-тез узиб, асаббузарликни авж олдириб, Усталарнинг ойлик иш режасини ўйламай-нетмай «осмонга» чиқариб қўйди. Бундай ноҳақликлардан безиб қолган ишчилар Ф.Амиркулованинг республика радиосининг «Қармоқ» танқидий эшитиришига ёзиб юборишганди, уни 1997 йил 4 июнда оқизмай-тозимай шундайгина эфирга беришди. Ф.Амиркулова радиодаги танқиддан тўғри хулоса чиқариб олиш ўрнига «шиқоятчи» ишчилар билан айтишди.

Бундан таъсирланган ишчилару қосиблар ёза-ёзми хануз қанда қилмай идорамизга «очиб юришибди. Бир оғиз гап ўтган 4 йил мобайнида уллар Ф.Амиркулованинг «Шодлик» жамоа корхонасини хусусийлаштириш борасида йўл қўйган хатоларини, давлатдан олган кредитдан нотўғри фойдаланганлиги, ишчиларни ноўрин ишдан бўшатгани, муомиладаги қўпол хатти-ҳаракатларини исботлаш учун шаҳар ва вилоят судларида 14 марта суллашди. Бундай суллашдишлар ҳафтабала, ойлаб давом этгани ҳеч кимга сир эмас. Лекин ана шу суллашдишларда ҳам ора очик қилинган йўқ. Хуллас, «Шодлик» жамоа корхонасидаги беҳуда тортишувларга ким чек қўяди?

Шодмон ҚУРБОНОВ, журналист.



ДУШАНБА 7

Телекомпаниялар дуварида...
Продюсация муҳаббат билан дуварида...

УзТВ-1

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Олам ва одам».

УзТВ-11

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Бригитто».

УзТВ-12

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Бригитто».

УзТВ-13

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Бригитто».

УзТВ-14

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Бригитто».

УзТВ-15

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Бригитто».

УзТВ-16

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Бригитто».

УзТВ-17

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Бригитто».

УзТВ-18

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Бригитто».

УзТВ-19

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Бригитто».

16.00 Телефилм.
16.25 «Гутен абенд!». Немис тахририяти...

СЕШАНБА 8

6.30 «Ассалом, Узбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».

УзТВ-1

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Эй эр, ҳул келибис». Мусикий...

УзТВ-11

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Эй эр, ҳул келибис». Мусикий...

УзТВ-12

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Эй эр, ҳул келибис». Мусикий...

УзТВ-13

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Эй эр, ҳул келибис». Мусикий...

УзТВ-14

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Эй эр, ҳул келибис». Мусикий...

УзТВ-15

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Эй эр, ҳул келибис». Мусикий...

УзТВ-16

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Эй эр, ҳул келибис». Мусикий...

УзТВ-17

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Эй эр, ҳул келибис». Мусикий...

УзТВ-18

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Эй эр, ҳул келибис». Мусикий...

17.55 «Кроссворд».
18.25 «Тарғилотлар».
18.30 «Тарғилотлар».

ЧОРШАНБА 9

6.30 «Ассалом, Узбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».

УзТВ-1

8.25 «Дилрабо тароналар».
8.50 «Узбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига».

УзТВ-11

8.25 «Дилрабо тароналар».
8.50 «Узбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига».

УзТВ-12

8.25 «Дилрабо тароналар».
8.50 «Узбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига».

УзТВ-13

8.25 «Дилрабо тароналар».
8.50 «Узбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига».

УзТВ-14

8.25 «Дилрабо тароналар».
8.50 «Узбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига».

УзТВ-15

8.25 «Дилрабо тароналар».
8.50 «Узбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига».

УзТВ-16

8.25 «Дилрабо тароналар».
8.50 «Узбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига».

УзТВ-17

8.25 «Дилрабо тароналар».
8.50 «Узбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига».

УзТВ-18

8.25 «Дилрабо тароналар».
8.50 «Узбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига».

20.35 Виталий Соломин, Дмитрий Харатьян «Кора квадрат» уткир сюжетли...

ПАНШАНБА 20

6.30 «Ассалом, Узбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».

УзТВ-1

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Куйла, ёшлигим!». Мусикий...

УзТВ-11

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Куйла, ёшлигим!». Мусикий...

УзТВ-12

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Куйла, ёшлигим!». Мусикий...

УзТВ-13

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Куйла, ёшлигим!». Мусикий...

УзТВ-14

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Куйла, ёшлигим!». Мусикий...

УзТВ-15

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Куйла, ёшлигим!». Мусикий...

УзТВ-16

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Куйла, ёшлигим!». Мусикий...

УзТВ-17

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Куйла, ёшлигим!». Мусикий...

УзТВ-18

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Куйла, ёшлигим!». Мусикий...

20.40 «Кинор-сюрпріз».
20.45 «Кинор-сюрпріз».

ЖУМА 21

6.30 «Ассалом, Узбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».

УзТВ-1

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

УзТВ-11

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

УзТВ-12

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

УзТВ-13

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

УзТВ-14

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

УзТВ-15

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

УзТВ-16

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

УзТВ-17

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

УзТВ-18

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

20.45 «Кинор-сюрпріз».
20.50 «Кинор-сюрпріз».

ШАНБА 22

6.30 «Ассалом, Узбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».

УзТВ-1

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

УзТВ-11

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

УзТВ-12

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

УзТВ-13

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

УзТВ-14

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

УзТВ-15

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

УзТВ-16

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

УзТВ-17

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

УзТВ-18

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

20.50 «Кинор-сюрпріз».
20.55 «Кинор-сюрпріз».

ЯКШАНБА 23

6.30 «Ассалом, Узбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».

УзТВ-1

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

УзТВ-11

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

УзТВ-12

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

УзТВ-13

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

УзТВ-14

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

УзТВ-15

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

УзТВ-16

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

УзТВ-17

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

УзТВ-18

8.25 «Хит-парад».
16.00 «Хит-парад».

8.00 «Бунғини болиси».
8.20 «Таджим».

УзТВ-1

8.00 «Бунғини болиси».
8.20 «Таджим».

УзТВ-11

8.00 «Бунғини болиси».
8.20 «Таджим».

УзТВ-12

8.00 «Бунғини болиси».
8.20 «Таджим».

УзТВ-13

8.00 «Бунғини болиси».
8.20 «Таджим».

УзТВ-14

8.00 «Бунғини болиси».
8.20 «Таджим».

УзТВ-15

8.00 «Бунғини болиси».
8.20 «Таджим».

УзТВ-16

8.00 «Бунғини болиси».
8.20 «Таджим».

УзТВ-17

8.00 «Бунғини болиси».
8.20 «Таджим».

УзТВ-18

8.00 «Бунғини болиси».
8.20 «Таджим».

УзТВ-19

8.00 «Бунғини болиси».
8.20 «Таджим».

Истиқлол мушоираси

ГУРУР

Омон-омон кунларингдан юртим ўргилай,
Ургилайин буй-бастингдан, таъзимда бошим.

ХУСАНЖОН АМИН-ҒУЗОРЙ.

МУСТАҚИЛДИР ВАТАНИМ

Мустақилдир ватаним, машаққатли дам ўтди,
Ўқимаймиз ёлгонни, ул офатли дам кетди.

Бойлигимиз, мулкимиз ялманмайди текинга,
Қарамлиги - мухтожлик энди тамоман битди.

Эркин нафас олмақда жондех азиз дийрим,
Содиқ, қурашчи раҳбар элини озод этди.

Севган касбини қилганлар юртини обод айлади,
Қувонтириб кўзларни лаптофатли дам этди.

Замонага муносиб достон, ғазал ёз, Тўра,
Ойдин йўлга кириб халқ Хумо қушини тутди.

ЯХШИ ЗАМОННИ КЎРДИМ

Минг шуқурлар бўлсинки, яхши замони кўрдим,
Хурлик шамоли эсган еру осмонни кўрдим.

Одамларнинг юзида заррача йўқ изтироб,
Чечрасидан нур ёққан бахтли инсонни кўрдим.

Кимлар фермер, ким эса кенг пайкалга хўжайин,
Ўз касбининг устаси ишчи-деҳқонни кўрдим.

Эркин ишлаганларнинг иши доим омадли,
Яшаш учун яралган қулай имконни кўрдим.


Сарҳосил далаларга боқиб кўнглим яйрайди,
Шодман, Тўра, мустақил Ўзбекистонни кўрдим.

ТўРА ЖУМАН.

«ХИКМАТЛАР» МУАММОНОМАСИ

Азиз муштарийлар! Аввало қуйидаги ҳикматли мисраларда келтирилиб рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очкиччи ҳал этинг.

- 1. АЛИШЕР НАВОЙЙ
Бу гулшан ичраки йўқтир
бако гулига сабот,
Ажаб 16, 2, 1, 25, 2, 18. Эрур
чикса яхшилик билла от.



Фозилжон ОРИПОВ.

МАШРИҚЗАМИН ДАРҒАЛАРИ

Маънавиятимиз тарихида шундай буюк сиймолар
ҳам борки, улар замон талотумлари гирдобиде яшаи,

Убайдуллоҳхон 1486 йили зодагон оиласида дунёга
келади, хусусий муаллимларда хат-саводини

Мадраса хатмидан сўнг «Кул Убайдий»
тахаллуслари билан шеърлар
иход қила бошлаган шoir

ТАХТ ВА ИЖОД
ТАНОСИБИ

Убайдуллоҳхон каттиққўлиқ билан
юртини бошқариб, хонлик ҳудудида


Убайдуллоҳхон даврида Бухоро хонлиги
иктисодий, маданий жиҳатдан юксалади,

Убайдуллоҳхон ўз замонасининг дурбин
лашқарбошиши, тadbиркор хони бўлиш билан

сидин ёд берур эрди». Шундан сўнг
Рашидиддин Мирзо Хайдар Убайдий қилкалам

Убайдийдан катта ҳажмдаги адабий мерос
қолганига қарамай, ҳали улар жиддий ўрганил-

Кунда ғазал, рубоий, туюқ, қиъта, нома, музамо, маснавий,
ҳикмат, «Ер-ёр», таржеъбанд



рдан ҳам ўзига хос ва ранг-барангдир.
Шoir назарида ҳақиқий ошиқ

Ишқнинг бундай тасвири фақат Убайдийгагина
хосдир: Ишқдин гунча каби кўнгли

Махдумий мавлоно Косонийга — сирлари
муқаддас бўлсин, юборган:

«Ярим аҳволимни, эй дўст, бир-икки
қўраман, нимани кўрсам барчасини у билан


МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Афғонистонда сўнгги кунларда кечаётган
воқеалар ҳақидаги маълумотлар жаҳон

Тожикистон Президентининг матбуот воизи
Игорь Саторов мухбирлар билан учрашувда

Козогистон ташқи ишлар вазири К.Токаев
Афғонистонда кейинги вақтда рўй бераётган

Кейинги вақтда гиёванд моддаларни олиб
ўтишда Россия орқали Европа мамлакатларига



Инглиз тилидан дарс бераман.
9 дан 16 гача тел: 56-85-43
19 дан 22 гача тел: 90-79-75 га.

«ТОШШАХАРЙЎЛОВЧИТРАНС»
Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорт корхоналари давлат уюшмаси чипта сотувчиларни ишга таклиф этади.
ЭЪТИБОР БЕРИНГ! Бир йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга ҳар ойда тариф ставкасининг 20 %дан 50 %гача миқдорда устама ҳақ тўланади.

БОШ МУҲАҲРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ:
ЧОРИ ЛАТИПОВ

БОШ МУҲАҲРИР ҚАБУЛХОНАСИ - 56-25-36
БОШ МУҲАҲРИР УРИНБОСАРИ - 56-52-89
МАСЪУЛ КЎПИЧ - 56-52-78

БОШ МУҲАҲРИР ҚАБУЛХОНАСИ - 56-25-36
БОШ МУҲАҲРИР УРИНБОСАРИ - 56-52-89
МАСЪУЛ КЎПИЧ - 56-52-78

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБОО КОНЦЕРНИ
БОСМА ХОНАСИ.
КОРХОНА МАНЗАЛИ: «БУЮҚ ТУРОН» КЎЧАСИ, 41-УЙ.

БОШИГА ТОПИРИШ ВАҚТИ - 21.00
ТОПИРИЛИШИ 21.00